



013 у.р. "28" январ

№ 87-К

Самарқанд t-р Самарқанд

“Қўштамғали” қишлоқ фуқаролар йиғини  
“Конирил-агротехсервис” агрофирмаси  
худудидан фуқаро Раҳимбобоев Султонга  
кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи  
қуриш учун ер майдони танлаш тўғрисида”

“Қўштамғали” қишлоқ фуқаролар йиғини “Қўштамғали” маҳалласида яшовчи  
фуқаро Раҳимбобоев Султон туман ҳоқими номига ариза билан мурожаат қилиб, “Конирил  
агротехсервис” агрофирмаси худудидан кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи  
қуришга ер майдони ажратишни сўраган.

Юқоридагиларни, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси,  
“Қишлоққурилишлойиха” лойиҳа институтининг 2012 йил 23 апрелдаги 141 сонли баёнини  
инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги  
357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари  
тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш  
ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш чора  
тадбирлари тўғрисида”ги 146 сонли қарорларига асосан

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :**

1. “Қўштамғали” қишлоқ фуқаролар йиғини “Қўштамғали” маҳалласида яшовчи  
фуқаро Раҳимбобоев Султонга “Конирил-агротехсервис” агрофирмаси худудидан кондитер  
маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун 0.065 га. қишлоқ хўжалигида  
фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони танлаш ҳақидаги туман ер  
танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.
2. Фуқаро Раҳимбобоев Султонга кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи  
қуриш учун танланган ер майдонида Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг  
8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа  
ҳужжатларини тайёрлаш вазифаси юклатилсин.
3. Юқорида кўрсатилган барча бирламчи ҳужжатлар фуқаро Раҳимбобоев Султон  
томонидан тайёрланмаса қарор ўз кучини юқотади.
4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳоқимининг биринчи  
ўринбосари О.Мухторов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳоқими

Б.Садуллаев